



## БОЛАЛАР МЕХНАТИГА «ҚИЗИЛ КАРТОЧКА»: болалар учун адолатли ўйин, катталар учун муносиб меҳнат

МУҲИМ МАВЗУДА МУЛОҚОТ

Халқаро меҳнат ташкилоти ташаббуси билан 2002 йилдан буён 12 июнь санаси Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши кураш кунли сифатида дунё миқёсида кенг нишонлаб келинмоқда. Мазкур сана олдида Бухоро шаҳридаги «Заковат» болаларни соғломлаштириш оромгоҳида «Болалар меҳнатига қизил карточка: болалар учун адолатли ўйин, катталар учун муносиб меҳнат!» мавзусида тадбир ташкил этилди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ҳамда ҳамкор ташкилотлар иштирокида ўтказилган тадбирда Таълим ва фарҳанга бўлими касба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Ш.Жавонов ва касба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши раиси ўринбосари А.Акрамова сўзга чиқиб, мазкур сананинг аҳамияти, мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда муносиб меҳнат шaroитларини яратиш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Тадбир якунида болалар ўртасида расмлар танлови ўтказилди. Унинг иштирокчилари бола ҳуқуқлари, бахтли болалик, таълим ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи мавзулардаги ижодий ишларини намойиш этдилар. Шунингдек, болалар ўртасида жамоавийлик, дўстлик ва соғлом рақобат муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган спорт мусобақалари уюштирилди.

Тадбир якунида фаол иштирокчилар, танлов ва мусобақа ғолиблари Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши кураш кунига бағишланган маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари вилоятдаги барча оромгоҳларда бўлиб ўтмоқда.

**Ўзбекистон касба уюшмалари  
Федерацияси Матбуот хизмати**

ЎЗНИНГ ЭНГ ЁРҚИН, ЭНГ МАЗМУНЛИ КУНЛАРИДАН БИРИДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, БЎСТОНЛИК ТУМАНИДАГИ  
«АНОР» БОЛАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲИДА ШУ ШИОР ОСТИДА ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан Халқаро меҳнат ташкилоти, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Одам савдосига қарши курашиш ва муносиб меҳнат масалалари бўйича миллий комиссия, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирилик ҳамда Иш берувчилар конфедерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган бу учрашув мамлакатимизда шу йўналишда амалга оширилаётган ишлар самараларини ёрқин намойиш этди.

Тадбир аввалида Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан тақдим этилган махсус футболка, кепка ва рюкзаклар кичкинтойларни янада хурсанд қилди.

Мулоқот давомида касба уюшмалари Федерациясининг малакали мутахассислари иштирокчиларга болалар меҳнатининг салбий оқибатлари ҳақида қизиқарли маълумотлар тақдим этишди. Болалар билан савол-жавоблар бўлди, қизгин фикрлар алмашилди.

Учрашувга ташриф буюрган спортчилар ўз тажрибалари ҳақида сўзлаб беришди, санъаткорларнинг чиқишлари ва маданият ходимларининг машғулотлари ҳам қизиқарли бўлди. Ўз навбатида, кичкинтойлар расм чизиш, шахмат, шашка, стол теннис бўйича ўзаро алмашилди.

Мусобақалар ғолиблари Халқаро меҳнат ташкилотининг «RISE for Impact» – янги босқич, янги қарашлар» лойиҳаси томонидан тақдим этилган эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

лан тақдирландилар.

Тадбир якунида оромгоҳ дам олувчилари иштирокидаги кун мавзусига аталган видеоролик намойиш этилди. Ажойиб шоу-дастур ва флешмоб бутун куннинг хулосаси бўлди...

**“Болалар меҳнатига «Қизил карточка» нима дегани? Тараққиётга қарамай, бугун дунё бўйлаб**

**138 миллион,**  
**шундан, қарийб 54 миллион**

**бола хавфли ишларда қолмоқда. Бу рақамлар орттида хавфсиз шaroитларда ўқиши, ўйнаши ва ўсиши керак бўлган гўдаклар ва муносиб меҳнат, етарли турмуш тарзи ва кучлироқ ҳимояга муҳтож оилалар турибди. Ушбу Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши кураш кунига болалар меҳнатига қарши қизил картани кўтариш гоёяси илгари сурилмоқда.**

Юртимизда бу соҳада бир неча йиллар олдин қадамлар ташланган бўлиб, ўтган 10 йилдан ортқ вақт мобайнида муҳим ижобий ютуқларга эришилди. Президентимизнинг кучли сиёсий иродаси туфайли сўнгги йилларда болалар меҳнатига ва мажбурий меҳнатга батамом барҳам берилди, ўзбек пахтасига эълон қилинган бойкот бекор қилинди. Натижада дунёнинг энг кўзга қўринган 300 дан ортқ бренди билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш имконияти пайдо бўлди. Тизимли ва қатъий ислохотлар натижасида бу таъйиқ тўлиқ барҳам топиб, 2 миллион нафарга яқин болажон мажбурий меҳнатдан озод қилинди, бу борадаги давлат сиёсати конституциявий даражада мустаҳкамланди.

Бугун фарзандларимиз дала-ларда пахта териш ёки бошқа ишлар билан банд эмас, балки таълим муассасаларида ўқиш, илм олиш билан машғуллар. Бу натижага эришиш учун эса тегишли ташкилотлар, хусусан, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан ҳам самарали ишлар амалга оширилди.

Мақсадимиз битта: келажак авлод оғир меҳнатларда эмас, илм майдонидида камол топсинлар, куч тарақсинлар, Янги Ўзбекистон тараққиётига муносиб улуш қўшсинлар!

**Гулрухбегим ОДАШБОВЕВА**  
«ISHONCH»  
**Эъзоа УМУРЗОҚОВА**  
олган сурачлар

## ЛЮК ТРИАНГЛ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОХОТЛАРНИ ЮКСАК БАҲОЛАДИ



Женевада Халқаро меҳнат конференциясининг 114-сессияси доирасида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев ҳамда Халқаро касба уюшмалари конфедерацияси Бош қотиби Люк Триангл ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ҳамда Халқаро касба уюшмалари конфедерацияси ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш масалалари, шунингдек, Федерация мазкур йирик халқаро ташкилотга аъзо бўлганидан сўнг ўтган икки йил мобайнида миллий касба уюшмалари ҳаракатида юз берган ўзгаришлар муҳокама этилди.

Суҳбат чоғида Бахтиёр Маҳмадалиев яширин иқтисодиётдаги иш ўринларини легаллаштириш ва қонуний бизнес қўламини кенгайтириш жамоа шартномалари орқали меҳнат муносабатларини тартибга солиш қамровини кенгайтириш учун янги имкониятлар яратилганини қайд этди.

Учрашувда фуқароларнинг ижтимоий-меҳнат манфаатларини ҳимоя қилишда касба уюшмаларининг ҳуқуқий ўрнига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Ўзбекистон Республикасининг «Касба уюшмалари тўғрисида»ги қонуни меҳнат ҳуқуқлари ва ҳодимлар ман-

фаатларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўриб чиқиш жараёнида касба уюшмалари иштирокини тўлиқ қафолатлаётганига ургў берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг IX қурултойи якунлари муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, касба уюшмалари ҳаракатида демократик механизмлар изчил жорий этилмоқда. Унга қўра, бошланғич ташкилотлардан тортиб Федерация раҳбариятигача бўлган барча даражадаги раҳбарлар муқобиллик асосида ва яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Ўз навбатида, Люк Триангл Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни ижобий баҳолаб, ижтимоий мулоқот, меҳнат муносабатлари ва касба уюшмалари ҳаракатининг институционал жиҳатдан мустаҳкамлашни йўналишида кузатилаётган ижобий динамикани халқаро касба уюшмалари ҳамжамияти юксак баҳолаётганини таъкидлади.

## ЯНГИ ЙўНАЛИШЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Женевада Халқаро меҳнат конференциясининг 114-сессияси доирасида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси делегацияси ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнат-кашлар фаолияти бюроси – ACTRAVнинг янги директори Оливье Ропке ўртасида учрашув бўлиб ўтди.



Ўзбекистон делегацияси аъзолари Оливье Ропкени ушбу лавозимга тайинлангани билан табриклаб, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ва Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнат-кашлар фаолияти бюроси – ACTRAVнинг янги директори Оливье Ропке ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувнинг асосий мавзуси 2026-2030 йилларга мўлжалланган янги Муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастурининг устувор йўналишлари бағишланди. Унда мазкур ҳужжат меҳнат бозоридаги замонавий таҳдидлар, глобаллашув жараёнлари, «яшил ўтиш» ҳамда платформавий бандликнинг ривожланишини инобатга олгани боис Ўзбекистон касба уюшмалари учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг Меҳнат-кашлар фаолияти бюроси – ACTRAVнинг янги директори Оливье Ропке ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув якунлари бўйича томонлар шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, амалий ҳамкорликни кенгайтириш ва муносиб меҳнатнинг устувор йўналишлари бўйича биргаликда ишларни давом эттиришдан манфаатдор эканликларини қайд этишди.

## UNI GLOBAL UNION БИЛАН ЯҚИН ҲАМКОРЛИК

Женева шаҳрида Халқаро меҳнат конференциясининг 114-сессияси доирасида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси делегацияси ҳамда UNI Global Union департаменти раҳбари Гедре Лиллие ўртасида ишчи учрашув бўлиб ўтди.



Томонлар Ўзбекистон тармоқ касба уюшмаларининг халқаро тузилмаларга янада чуқур интеграциялашув, шунингдек, уларнинг глобал даражадаги вакилигини кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Учрашувда республика касба уюшмалари ташкилотларининг UNI Global Union фаолиятидаги иштироки ҳамда ўзбек тармоқ касба уюшмалари раҳбарларини мазкур глобал бирлашманинг Ижроия қўмитаси таркибига, шунингдек, бошқа раҳбарлик лавозимларига сайлаш истиқболларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон делегацияси вакиллари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли сиёсий ва

ижтимоий-иқтисодий ислохотлар шароитида миллий касба уюшмалари етакчиларини халқаро майдонда илгари суриш масаласи алоҳида аҳамият касб этаётганини таъкидладилар. Ушбу жараёнлар касба уюшмаларининг ижтимоий мулоқот ва халқаро касба уюшмалари ҳаракатининг фаол иштирокчилари сифатидаги ўрнини янада мустаҳкамламоқда.

Учрашув якунлари бўйича томонлар ҳамкорликни давом эттириш, ўзаро алоқаларни кенгайтириш ҳамда Ўзбекистон тармоқ касба уюшмаларининг халқаро тузилмалардаги нуфузини янада оширишдан манфаатдор эканликларини эътироф этишди.

Ўз муҳбиримиз




**НАРКОЖИНОЯТЛАРГА  
ҚАРШИ ЯНГИ  
ЖАЗО ЧОРАЛАРИ  
БЕЛГИЛАНДИ**

Бу ҳақда батафсил [ishonch.uz](http://ishonch.uz) хабардор этади:



**МЕҲНАТ КОДЕКСИДА  
МУҲИМ ЎЗГАРИШ: ИШ  
ТАШЛАШ ТАРТИБИ  
БЕЛГИЛАНДИ**

Бу ҳақда батафсил [ishonch.uz](http://ishonch.uz) хабардор этади:



# ТАЪТИЛ СЕРМАЗМУН ЎТМОҚДА

Мамлакатимизда барча жабҳалар бўйича туб ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Ана шу жараёнда ёш ўғил-қизларимизнинг ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Унга ҳамоҳанг равишда Болаларни ёзги соғломлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳам йил сайин такомиллаштирилмоқда. Энг муҳими, айни йўналишдаги тажрибамиз халқаро экспертлар ва дунё миқёсидаги нуфузли ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Негаки, давлат ва жамоат ташкилотларининг саяё-ҳаракатлари ҳамда имкониятларини ёзги таътил даврида болаларни сифатли дам олдириш ва соғломлаштиришни таъминлашга ижтимоий шериклик асосида йўналтириш амалиёти Ўзбекистондан бошқа давлатларда учрамайди.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, ёз фаслида болажонларнинг мароқли дам олиши ва сифатли соғломлаштирилишини таъминлаш ишлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан мувофиқлаштирилган ҳолда амалга ошириляпти. Хусусан, мавсумни намунали ташкил этиш ва уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида Республика штаби, ҳудудий штаблар тузилган. Улар мавсум қандай ўтаётганини доимий равишда мониторинг қилиб боришади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, охириги 9 йил ичида республикаимизда стационар турдаги 14 та замонавий болалар соғломлаштириш оромгоҳи янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2026 йилги мавсумда эса республика бўйича жами 1421 та болалар оромгоҳи, жумладан, 179 та стационар турдаги, 1242 та кундузги оромгоҳ фаолияти йўлга қўйилиши, уларда жами 314 минг 155 нафар болажонни дам олдириш ва соғломлаштириш режалашти-

рилган. Шунга кўра, стационар турдаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларига 157 минг 680 нафар, кундузги оромгоҳларга 156 минг 475 нафар ўғил-қиз жалб этилиши кўзда тутилган. Табиийки, мавсумга олдиндан пухта ҳозирлик қўрилди. Жумладан, жорий йил 19 майда Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкиллаштириш ва соғломлаштириш масалалари бўйича Республика комиссиясининг 39-сонли йиғилиши баёни қабул қилинди. Бу ҳужжатга биноан, ҳар бир оромгоҳга вазирликлар, идоралар, ташкилотлар, тижорат банклари ва маҳаллий ҳокимликлардан масъуллар бириктирилди. Улар иштирокида оромгоҳларнинг тайёргарлик ҳолати атрофлича ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, унинг қошидаги Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш де-

партаменти, тегишли вазирлик ва идоралар, ҳудудий комиссиялар ҳамкорлигида оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш бўйича кенг кўламли юмушлар адо этилди. Бу йилги мавсум 1 июндан бошланди. Ҳозир юртимизда мавжуд болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида фарзандларимиз мароқли ва мазмунли дам олишлари жараёнида уларнинг маънавий, интеллектуал ва ижодий жиҳатдан ривожланишига ҳам алоҳида аҳамият берилляпти. Хусусан, оромгоҳларда айни мақсадда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳузуридаги департамент томонидан ишлаб чиқилган 12 кунлик намунавий дастур амалга оширилмоқда. Шу асосда ўтказилаётган тадбирларда Маданият, Спорт, Ички ишлар, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Экология, Туризм кўмиталари, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқи, «Заковат» нодавлат нотижорат ташкилоти, «Хунарманд» уюшмаси каби ташкилотлар фаол қатнашляпти. Оромгоҳларда болаларнинг қизиқишлари ва истеъодларини ривожлантиришга йўналтирилган клуб ва тўғарақлар ҳам ишлаб турибди. Федерация тизимидаги оромгоҳларда дам оладиган ҳар бир болага махсус форма, яъни кийим-бош тўплами тақдим этилади. Мавсумни юқори савияда ташкиллаштириш асноси оромгоҳлар фаолиятини таҳлил қилиб боровчи махсус ишчи гуруҳлар тузилган. Бу гуруҳлар аъзолари оромгоҳларда бўлиб, уларнинг фаолиятини, тиббий хизмат сифатини, озик-

овқат таъминотини, санитария ҳолатини ва маданий-маърифий тадбирлар қандай ўтказилаётганини ўрганадилар. Шунингдек, аниқланган камчиликларни дарҳол бартараф этиш чораларини кўрадилар. Кези келганда, охириги пайтлар соҳада халқаро ҳамкорлик борасида эришилаётган натижаларни ҳам айтиб ўтишни лозим топдик. Федерация ҳузуридаги департамент томонидан бугунгача Россия, Хитой ва АҚШнинг соҳавий ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Болалар оромгоҳлари фаолиятини янада такомиллаштириш, илгор тажрибаларни ўрганиш ва ўзаро тажриба алмашиш учун бир қатор меморандумлар имзоланди. Яқинда эса, департамент нуфузли Халқаро оромгоҳлар ҳамдўстлиги ташкилотига аъзо бўлди. Шунингдек, АҚШда бўлиб ўтган халқаро конференцияларда Ўзбекистоннинг болаларни соғломлаштириш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва оромгоҳлар фаолиятини ташкил этиш бўйича тажрибалари юқори баҳоланди. Бу мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилаётганидан далолат беради. Ҳа, айтганча, жорий йилги мавсумда Президентимиз ташаббуси билан яна бир муҳим янгилик амалиётга татбиқ қилинди. Яъни эндиликда Ижтимоий реестрга қиритилган оилаларнинг аъло баҳоларга ўқийдиган фарзандларини Федерация тизимидаги оромгоҳларда бепул соғломлаштириш тартиби жорий этилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, янги мавсумда бун-

## Ёзги соғломлаштириш

дай имтиёздан 43 минг нафардан ортиқ болажонлар фойдаланишади. 2026 йил 8 июнь ҳолатига республикаимиз бўйича 140 та стационар ва 1204 та кундузги, жами 1344 та оромгоҳ фаолият кўрсатмоқда. Стационар оромгоҳларда 25 минг 648 нафар, кундузгиларида эса 78 минг 434 нафар, ҳаммаси бўлиб, 104 минг 82 нафар бола соғломлаштирилмоқда. Албатта, мавсум мобайнида ижтимоий ҳимояталаб, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларини моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш масалалари доимо эътиборда бўлади. Бундай тоифага кирувчи болалар касаба уюшмалари томонидан жамоа шартномалари ва келишувлари орқали имтиёзли йўлланмалар билан таъминланади. Чин етим ва отаона қарамоғидан маҳрум бўлганлар, оилавий болалар уйлари тарбияланувчилари ҳам имтиёзли равишда дам олдирилиб, соғломлаштирилади. Қўриб турганингиздек, мамлакатимизда бу сафар ҳам болаларни ёзги соғломлаштириш мавсумига жиддий тайёргарлик қўрилди. Пировардида келажагимиз ворислари мароқли хордиқ чиқариб, таътилни муваффақиятли ўтказишлари учун мустаҳкам замин яратилди. Ишончимиз комилки, ёшларимиз бундай ҳамжўрликлар ва шарт-шароитлардан илҳомланиб, мамлакатимиз эришяётган ютуқлар салмоғини янада оширишга, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ҳар қачонгидан-да юксалтиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшадилар.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**  
Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси Матбуот  
хизмати раҳбари



Акция

## ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ТАШАББУС

Навой вилояти қон қуйиш станциясида Бутунжаҳон донорлар куни муносабати билан «Бир томчи инсонийлик. Қон топширинг. Ҳаётларни сақлаб қолинг!» шиори остида хайрия акцияси ўтказилди.

Инсон ҳаётини сақлаб қолиш, беморларга кўмак бериш ва донорлик маданиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда касаба уюшмаси фаоллари иштирок этдилар. Сўзга чиққанлар донорлик энг олижаноб, таъсирчан ва савобли ишлардан бири эканини таъкидлашди. Акциянинг энг муҳим қисми фахрий донорларни тақдирлаш маросими бўлди. Хусусан, ҳаёти давомида 40 марта бепул ва ихтиёрий равишда қон топширган 5 нафар фуқарога «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» кўкрак нишони топширилди. Акцияда 150 нафар донор иштирок этиб, қарийб 72 литр қон топширишди. Бу захира оғир операциялар, шопилинч тиббий ёрдам ва турли касалликларни даволашда қон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қоплашга хизмат қилади. Қайд этиш жоизки, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси тизимида инсонларварлик ва саховат гоёларини тарғиб этувчи бундай тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Навбатдаги акция ҳам жамиятда меҳр-оқибат, ҳамжихатлик ва ижтимоий масъулият туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Бир томчи қон кимнингдир ҳаётини сақлаб қолиши мумкин. Донорлик эса инсоний эзгуликнинг амалий ифодасидир.

**Умида ШОДИЕВА,**  
Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерациясининг Ёшлар билан  
ишлаш бўлими мудири

## Сихатгоҳларда

# БУНДА КЎНГИЛ ТОҒ КАБИ ЮКСАЛАДИ

*Паркент туманидаги «Zarkent» санаторийси фаолият бошлаганига тўрт йил бўлди*

Паркент тоғларида тонг бошқача отади. Бу ерда шаҳар шовқини эшитилмайди. Майин шабада, кушларнинг сайроғи дилларга ўзгача ором бағишляйди. Яқинда ана шу сўлим гўшада жойлашган «Zarkent» санаторийси ўзининг тўрт йиллигини нишонляди. Бир қарашда бу у қадар катта муддат эмас. Аммо шу вақт ичида 9 мингдан ортиқ киши бу масканда шифо топди, қувватини тикляди, ҳаётга бўлган ишончини янада мустаҳкамляди. Сихатгоҳ фаолият бошлаганининг 4 йиллиги муносабати билан ташкил этилган байрам тадбири файзли ўтди. Дам олувчилар, шифокорлар, соҳа фахрийлари ва меҳмонларни инсон саломатлигига хизмат қилишдек эзгу гоё бир жойга жамляди.

Тантанада сўзга чиққанлар ушбу сихатгоҳ қисқа вақт ичида нафақат Тошкент вилояти, балки республикадаги талаб энг катта соғломлаштириш масканларидан бирига айланганини, шу билан бирга, шифо масканига хорижликларнинг ҳам қизиқиши ошиб бораётганини алоҳида таъкидлашди. – Сихатгоҳимиз давлатимиз раҳбарининг Тошкент вилоятига ташрифи чоғида белгиланган вазифалар ва ташаббуслар самараси ўлароқ Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан замонавий лойиҳалар асосида қурилган иншоотлардан бири ҳисобланади, – дейди «Zarkent» санаторийси раҳбари Акрам Эргашев. – Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизматлар сифатини ошириш ва замонавий санаторий-курорт тизимини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор шундай масканларнинг барпо этилишига замин яратди. Пойтахтдан қарийб 60 километр узоқликда, Заркент қишлоғининг «Қўрғон» маҳалла фуқаролар йиғини



ҳудудида жойлашган ушбу мажмуа ўзининг иқлими ва табиий муҳити билан алоҳида ажралиб туради. Ҳудудининг шифобахш хусусиятлари, айниқса, нафас йўллари ҳамда асаб тизими касалликларини даволаш ва профилактика қилишда муҳим аҳамият касб этади. Умумий майдони 3 гектардан иборат муассаса саломатлиқни тиклаш ва касалликларнинг олдини олишга мўлжалланган энг илгор тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Унда дам олувчилар учун барча шароитлар яратилган бўлиб, даволаш ва ташхис қўйиш хоналари замон талабларига тўла жавоб беради. Санаторийдаги даволашнинг турлари ҳам кенг. Мижозлар физиотерапия, жисмоний тарбия, уқалаш, сув билан даволаш усуллари, фитотерапия, лазерли терапия ва психотерапия каби хизматлардан фойдаланиш имконияти мавжуд. Бу даволаш жараёнини комплекс ва самарали ёндашув асосида

ташкил этишда қўл келади. Санаторий очилганидан буён унинг инфратузилмасини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ҳудуди табиий муҳит билан уйғунлаштирилиб, кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Эзгу ниятда 300 дан ортиқ мевали ва 4000 дан зиёд манзарали дарахт кўчатлари экилди. Шубҳасиз, санаторийнинг бугунги қиёфаси мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимига қаратилаётган эътиборнинг амалий натижаларидан бирининг ифодасидир. Замонавий тиббий хизматлар, реабилитация имкониятлари ва профилактик ёндашувлар инсон саломатлигини сақлашда муҳим ўрин тутаяди. «Zarkent» ана шу тизимнинг бир бўлаги сифатида ҳам даволаш, ҳам соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиб, инсонларга руҳий ва жисмоний тикланиш имконини бериш вазифасини бажармоқда. Дарвоқе, «Zarkent» фақат-

гина даволаш муассасаси эмас. Бу ерга келган инсон ўзини табиат қўйнида, осойишта муҳитда қайта тикляйди. Тоғ ҳавосидан баҳраманд бўлиб, руҳан тегилашади. Баъзан тинчлик ва эътибор ҳам энг яхши даво эканини ҳис қилади. Тадбир давомида сўзга чиққан кўп йиллик дам олувчилар ҳам худди шундай фикрлар билдиришди. Замонавий тиббий хизматлар, мутахассислар меҳнати ва самимий муҳит ҳақида ҳам яхши гаплар айтишди. Байрам куй-қўшиқлар, рақслар ва кўтаринки кайфият билан давом этди. Табиийки, тўрт йил мобайнида «Zarkent» санаторийсида рўй берган ўзгаришлар ушбу муассаса ўз олдига қўйган мақсад-вазифаларни тўлақонли амалга ошираётганидан далолат беради.

**Ҳулумжон МИРАҲМЕДОВ**  
«ISHONCH»  
**Мирнодир МИРАКМАЛОВ**  
олган сурат

## Анжуман

Аёл нафақат оила таянчи, балки жамият маънавиятининг ҳам мустаҳкам устунидир. Шу боис хотин-қизларнинг ҳаётимиздаги ўрнини юксалтириш, уларнинг меҳнати ва фидойилигини қадрлаш ҳар қандай тараққиётнинг муҳим шарти ҳисобланади.

# АВЛОДЛАР ЎРТАСИДАГИ КЎПРИК

«Янги Ўзбекистон аёли – соғлом жамият тимсоли» шиори остида ташкил этилган «ШГКМ Баркамол аёллари форуми – 2026» ана шу эзгу гоёларни ўзида мужассам этган маънавий-маърифий майдонга айланди. Форум нафақат тадбир, балки уч авлод вакиллари бир мақсад атрофида бирлаштирган ҳаётий мулоқот, тажриба ва орзулар учрашуви бўлди. «Шўртан газ кимё мажмуаси» МЧЖда меҳнат қилаётган хотин-қизлар билан бир қаторда, корхона ривожига муносиб ҳисса қўшган, бугунги кунда пенсияда бўлган фахрий ва устоз аёлларнинг иштирок этиши форумга алоҳида маъно бағишляди. Анжуман давомида ташкил этилган маданий-маърифий учрашувлар, спорт мусобақалари ва интеллектуал беллашувлар иштирокчиларни янада ақинлаштирди. Аммо бу тадбирларнинг асл қадри совринлар ёки ғалабаларда эмас, балки инсонларнинг бир-бирини англаши, қўллаб-қувватлаши ва ҳамжихатлик туйғусини ҳис этишида намоён бўлди. Айниқса, «Уч авлод – бир мақсад» мавзусидаги «Заковат» интеллектуал беллашуви барча иштирокчиларга бир ҳақиқатни яна бир бор эслатди: билим ва тажриба авлодлар ўртасидаги энг мустаҳкам кўприқдир. Инсон қанчалик билимли бўлмасин, устозлар тажрибасидан баҳра олмас экан, унинг камолоти тўлиқ бўлмайди. Форумнинг энг таъсирли лаҳзаларидан бири «Уч авлод учрашуви» бўлди. Унда соҳа фахрийлари, бугунги фаол ходимлар ва ёш мутахассислар бир даврага жамланиб, ўзаро самимий мулоқотда бўлишди. Бу мулоқот инсоннинг энг катта бойлиги ҳаётда орттирилган тажриба эканини яна бир бор намоён этди. «ШГКМ Баркамол аёллари форуми – 2026» нафақат хотин-қизларнинг фаоллигини намоён этган тадбир, балки инсонни ўз ўтмиши, бутуни ва келажаги ҳақида ўйлашга ундайдиган маънавий мулоқот майдони бўлди. Чунки тажриба – ўтмишнинг ҳикмати, шижоат – бугуннинг кучи, тараққиёт эса уларнинг уйғунлигидан туғилади.

**Зарофат ИБРАГИМОВА,**  
Ўзбекистон энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси  
молия бўлими мудири

Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласи.

Абдурауф Фитрат



# АБАДИЙ АБИТУРИЕНТГА АЙЛАНАЁТГАН ЎҚИТУВЧИЛАР

Ўтган ойда пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 275-умумтаълим мактабида ўқи-  
тувчи ва ўқувчи ўртасида рўй берган муштлашув бир неча кун ижтимоий тармоқни  
жунбишга келтирганидан хабарингиз бор. Жамият гўё иккига ажралди: айримлар му-  
аллимни, бошқалар ўқувчини қоралади. Пировардида, илгари содир бўлган шу каби  
ҳодисалардан фарқли равишда, бу гал устоз жавобгарликка тортилмади.  
Биз ўқув муассасаларида кузатилган келишмовчиликларни таҳлил қилиш асносида,  
бундай жанжалларга яна кўп бор гувоҳ бўламиз, деган хулосага келдик. Бу эса, муҳ-  
биримизни кўп йиллик тажрибага эга ўқитувчилардан бири билан суҳбатлашиб, ти-  
зимдаги муаммоларнинг туб сабабларини ўрганишга ундади. Қуйида ўша муаллим-  
нинг дил сўзларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

– Кори́дорда шовқин эшитилди. «Менга адабиёт керак эмас, тортинг қўлингизни...». Дарсини тўхтатиб, ташқарига чиқдим. Тўғримда юзлари қизариб кетган адабиёт му- аллими турарди. У мени қўриши билан нолий бошлади:

«Қаранг, домла, бутун синфнинг олдида бир тийин қилиб чиқиб кетди. Институтга ки- риши учун адабиёт керакмасмиш. Қўйдиан уш- лагандим, итариб юборди. Ҳозир у билан қў- чада нимадир содир бўлса, бошим балоза қола- ди-ку».

Ҳамкасбимнинг ҳолатини оқсизликка йўй- мадим. Ўқитувчилик осон бўлмай қолди. Биз ўққан кезларда ҳаддидан ошган болаларнинг танобини тортиб қўядиган устозлар бўларди. Жисмоний жазолаш нотўғри, лекин ана шу ус- луб сабаб ўқитувчилар бебошларни тийиб ту- рарди, тартибни сақларди.

Энди бўлса, ўқимайдиган, интизомсиз ўқу- чига чора қўришнинг даярли иложи йўқ. Цер- тангиз, ота-онаси юқорига арз қилиш билан таҳдид қилади. Боласи ўқимаётгани ёки қу- лоқсизлигини айтсанг, «Ўқимаса-ўқимасин, уришса ҳақинг йўқ, эпласанг, ўқитувчилик қил», дейди.

Бу ҳам етмагандек, мактаблар тажриба майдонига, муаллимлар «абадий абитури- ент»га айланиб қолди. Чунончи, ўқитувчи би- ринчи, иккинчи ёки олий тоифа олиш учун ка- мида ҳар беш йилда аттестациядан ўтишни, ўтган тақдирда ҳам муайян муддатдан сўнг ўша тоифага лойиқлигини қайта исботлаши шарт. Агар маошига 20-50 фоиз миқдорда устама олмақчи бўлса, миллий ва халқаро сертификатлар учун ихтиёрий равишда яна имтиҳон топишириши керак.

Натижада сертификат илинжидаги ўқи- турчи дарс пайтида ҳам аттестацияга тай- ёрланишга мажбур бўляпти. У робот эмас-ку, қуни билан дарс ўтиб, дафтар текшириб, кечқурун уйига боргач, руҳий ва жисмоний чар- чоқларга қарамай, савол-жавобларни ёдласа... Ана шуларнинг оқибатида дарслар сифатсиз ўтиляпти.

Бу тизим ўзини оқламайди. Масалан, бир ҳамкасбимнинг хотираси яхши, савол-жа- вобларни шунчаки ёдла олиб, аттестация- дан осонгина ўтляпти. Аммо дарс ўтишини бил- майди, касбий маҳорати йўқ, устига-устак, ўз- гаршини ҳам хоҳламайди.

Яна бири жонини жабборга бериб ишлайди. Билими яхши, шоғирдлари олий ўқув юртла- рига қиряпти. Лекин саволлар ўта мураккаб- лиги учун уч сафардан бери аттестациядан йиқилади. Ҳозир шу қадар тушунқликка тушиб қолганки, мажбур мавзуда гап очилса, ўзини йўқотиб қўяди.

Менимча, ўқитувчининг малакасини шо- ғирдлар билимига қараб баҳолаш керак. Агар ўқувчилар дарсини яхши ўзлаштирган бўлса, де- мак, ўқитувчи яхши таълим берапти. Натижа ёмон бўлса, унда талаб даражасида ишлама- япти. Муаллимни доимий босимда ушлаб ту-

ришдан қандайдир мақсад қўзланганми?

Тўғри, йилда бир-икки марта вазирлик- дан келганлар вилотдаги беш-олтита мак- табнинг бир неча синфи ўқувчиларидан тест олишляпти. Аммо, аччиқ ҳақиқат шундаки, синфхонага киришдан олдин болаларга савол- ларнинг жавоблари бериб қўйилляпти. Чунки мактаб директори текширувга келган комис- сияни «рози қилиш» учун жамоадан аллақачон пул ийиб олган бўлади.

Норозилик билдирсанг, вилот, туман, мак- таб обрўсига оид иддоолар ишга тушади. Йўқ, агар имтиҳон тизими шунчалик шарт бўлса, келинг, биз билан бирдек вазирлик ва бош- қармаларда ўтирганларнинг барчаси аттес- тациядан ўтказилсин! Бу жараёнда таниш-би- лишчилик бўлмаслиги учун имтиҳонни инсон омилсиз, сунъий интелект олсин. Бироқ, би- ланман, икки дунё бир бўлганда ҳам бунга рози бўлишмайди.

Яна бир ўтинч: ўзларини ишлаётгандек кўрсатиш учун турли ривожланган давлат- ларнинг ўқув услубларини тизимга кўр-қўрона тақийштиравермаслик керак. Агар ўша хориж услублари муваффақиятли қўлланишини чин дилдан хоҳлашса, аввало, мактабларнинг мо- дий-техник базаси ҳақида ўқитувчиларнинг иш ҳақини ўша мамлакатлар даражасига еткази- шсин.

Биласизми-йўқми, аксар ўқув муассаса- ларида дарслар 2, ҳатто 3 навабт(смена)да ўтиляпти. Қайсидир қишлоқда кўзим тушди: жой етишмаслигидан биринчи парта билан досканинг оралиги 1-1,5 метр, холос. Аслида бу масофа 2,4-2,5 метр бўлиши шарт. Ушбу ҳолатнинг олд парталарда ўтирганларнинг кўриш қобилиятига салбий таъсир қилиши, ёнган хавфсизлиги талабларига зидлиги, шунингдек, синфда ҳар бир болага 2 метр квадрат жой бўлиши шартлиги ҳеч кимни қи- зиктирмайди.

Табиийки, бундай шароитда тўғараклар ҳақида гапириш ортиқча. Аммо қозғолар ва ҳисоботларда «ўтилди» дея расмийлаштири- лади. Агар ана шу машғулотларнинг санаси, вақти ва жойини суриштирсангиз, ўша вақтда ўша синфхонада қайсидир фан бўйича дарс ўтилган бўлиб чиқади. Демокчи бўлганм, ўқув- чилар дарсдан чиқishi билан назоратсиз қо- ляпти. Бу ҳисжат фарзандини муаллимдан она бўридек ҳимоя қиладиган ота-онани заррча хавотирга солмайди. Улар пул топиш, тўйга ийигини, сериал ёки ижтимоий тармоқда ви- део томоша қилиш билан банд. Ҳатто элек- трон кундалик тизимида кириб, фарзандининг баҳосини кўришга ярмайдилар. Оқибатда раҳ- бариятнинг топишириги билан ота-оналарнинг «қизиқиши ва фаоллиги юқори» эканлигини кўрсатиш учун уларнинг ўрнига kundalik.com га ўзимиз кириб чиқшга мажбурмиз.

Маонинг камлиги ҳам педагогинг тўлақонли фаолият юритишига ҳалақит қи- лаёттир. Бозорда даллоллик қиладиган, мол се- миштириб сотиш билан шугулланадиган, ёзда

## Дилдаги гаплар

ўқувчисининг отаси тўлаган пул эвазига гишт қуйиб, уй қўтирадиган муаллимнинг дарс ўт- моққа иштиёқи, эл орасида ҳурмати бўлар- мида? Ўқитувчининг маоши нега ҳуқуқни муҳо- фаза қилувчи органлар ходимлари, ҳарбий хиз- матчилар ёки банк тизими вакиллариникидан сезиларли даражада кам бўлиши керак? Ахир, ҳар қандай соҳанинг пойдевори ва ривожи бево- сита таълим билан боғлиқ-ку!

Бундай дарду ҳасратлар билан ўзимизни сутдек оппоқ қилиб кўрсатмоқчи эмасман. Тан олиш керак, мактабимизда ишлайдиган ўқи- тувчиларнинг қарийб 10 фоизда билим йўқ. Ораларида исм-фамилиясини тўғри ёзолмай- диганлари ҳам бор. Билмайман, улар олий ўқув юртини қандай тамомлашган?

Аниқки, бундайлар ҳеч қандай сертификат ололмайди, шу боис тизимда ишламасликлари керак. Лекин аттестация комиссияси «ҳўкм» чиқаришни мактаб раҳбарига қолдиради. Ди- ректор эса уларни қандай шарт билан ишга қа- бул қилган бўлса, ўша шарт билан олиб қолади, яъни улар «согин сизир» вазифасини ўтлашда да- вом этади.

Яна 30 фоиз ўқитувчининг билими ҳаминқа- дар. Мана шундай аҳволда ҳам бизнинг мак- табимиз туманда яхшилар қаторида. Энди ёмонларидаги вазиятни тасаввур қилаверинг. Айтганча, билимли ва тажрибали ўқитувчи- ларнинг ҳам ўзига яраша «шумликлари» бор. Жўмладан, уларнинг аксарияти бор билим ва кучини давлат маош тўлаётган асосий вазифа- сига — мактабдаги дарсга эмас, балки репети- торликка йўналтиради. Дарсини атай чала- роқ ўтади. Оқибатда олий ўқув юртига тайёр- ланаётган ўқувчи унинг пулли курсига боришга мажбур. Баъзилари қўшимча машғулотларини айни дарс вақтига тўғрилаб қўйган. Инсти- тутга кириш илинжидаги ўқувчи бошқа фан ўқитувчиси билан бўёшиб бўлса-да, репети- торининг олдига кетади.

Болалар юқори синфга ўтгач, ўқитувчига очигини айтади: «Институтга киришим учун 2 та фан етарли, шунинг учун сизнинг дарси- нгиз менга керак эмас». Натижада сен дарс бера- версан, ўқувчилардан ярмидан нари-бериси сў- зингни тингламасдан, топиширқларни бажар- масдан, олий ўқув юрти тест синовларига доир жавобларни ёдлайди ёки репетиторига жўнаб қолади.

Норозилик билдира олмайсан, ота-онадан манфаатдорлиги сабаб ёки умуман мактаб кўрсаткичларини яхшилаш важи билан дирек- тор на ўзингни, на фанингни писанд қилмаган ўқувчига ижобий баҳо қўйишга мажбурлайди. Мактаб рейтингини белгиловчи асосий мезон ўқувчиларнинг олий ўқув юртларига ўқишга ки- риши бўлгандан кейин раҳбар ҳам нима қилсин?

Шу ўринда таълимдаги ана бир муаммога тўхталмас. Ҳеч эътибор қилганмисиз, гума- нитар фанлар ўқитиладиган ёки юрист, моли- ячи каби мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртларида кириш баллари жуда юқори. Аксинча, муҳандислар етиштирадиган инсти- тутларда тўплаган баллигиз 60 дан сал ошса бўлди, талабалар сифидасиз.

Демокчи бўлганм, дунё тақдирини аниқ фанларга асосланган замонавий технология- лар ҳал қилаётган бир пайтда биз айни жаб- ҳада оқсаялмиш. Ҳусусий институтларни-ку қўйверинг, пулини тўласангиз, бас, талабасиз. Ҳайронман, улар мактабда тайинли ўқимаган боладан олий маълумотли мутахассис тайёр- лашнинг қандай уддасидан чиқаяпти?

Яна бир савол: педагогика олий ўқув юртла- рида бўлажак кадрларга инқирозли ва қийин ва- зиятларда ўқитувчи ўзини қандай тутиши ке- раклиги нега ўрнатилмайди? Нима учун мак- табларда рўй бериши мумкин бўлган мураккаб, низоли ҳолатларга оид аниқ йўриқномалар мавжуд эмас?

Энди биз дуч келаётган муаммоларни қис- ман ҳал этиши мумкин бўлган тақдирни бил- дирсам. Таълим муассасаларида етакчи ўқи- тувчилардан иборат таълим-тарбия кенга- шини тузиш зарур. Шунингдек, билим олиш, омад-ахлоқ меъёлари ва тартиб-қоидаларга амал қилиш жараёнида ўқувчи ноқулай қилими- ларга кўи урса, жарима баллари билан жазола- ниши жоиз.

Ўз навабатида, баллар муайян миқдорга ет- гач, қоидабузар таълим-тарбия кенгашининг қарори билан ўқувчилар сифидан чиқарилиши лозим. Ана шунда бола ҳам, ота-она ҳам бошқа мактаб излаш ташевишидан қочиб, хато қил- масликка интилади.

Айни вақтда ўқувчи ҳар қандай қилмишга қўл урмасин, устозни жазолай олмаслигини се- зади. 275-мактабдаги ҳодиса айнан шу жа- созликнинг ҳамда ўқитувчи иложсизлигининг оқибатидир. Қолаверса, ота-оналар муал- лимни илм берувчи эмас, хизмат кўрсатувчи сифатида қабул қилаётганига анча бўлган.

Агар мактабга маърифат маскани эмас, бо- лаларни маълум вақт тутиб турадиган жой, деб қарашни тўхтатмасак, таълим сифати тубза шўнғийверади. Ўқувчи тарбиясидagi тириқчилар кенаяверади, воёга етмаганлар жиноятчилиги ортиб бораверади. Аҳоли эса таълимдан, ўқитувчилардан нолиб бораверади.

Кимдир биз ўтказаятган экспериментлар натижасида ёшлар халқаро олимпиадаларда голиб бўляпти, дея эътироз билдириши мум- кин. Аммо улар оддий мактаб эмас, ихтисос- лаштирилган муассасаларда ўқётган, махсус таълимни олаётган саноқли болалар эканига эътибор қаратиш керак.

Шунчака гаплар... Фақат исм-фамилиямни очикламанг. Пенсияга чиққунимча тинчгина ишлашим керак. Ўқитувчиликдан бошқа иш қў- лимдан келмайди. Акс ҳолда, аллақачон яхши- роқ пул тўланадиган бошқа бирор соҳага ўтиб кетган бўлардим...

«ISHONCH» муҳбири  
Алижон АБДУСАТТӨРӨВ  
ёзиб олди



«Ishonch» кузатуви

# ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИНИ ЖИДДИЙ ЎРГАТИШ ВАҚТИ КЕЛМАДИМИ?

Мавзуну ўрганиш жараёнида пойтахтимиздаги мактаблар ўқувчилари билан суҳбат- лашдик. Улардан «Мактабда йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш учун махсус жиҳоз- ланган хона борми? Сиз у ерга кирганмисиз?» деб сўрадик.

Жавоблар орасида ижобийлари ҳам бўлди. Аммо айрим ўқувчилар мактабларида бундай хона йўқлигини ай- тишди. Мирзо Улуғбек тума- нидаги йўл ҳаракати қоида- ларини ўргатишда намунали ҳисобланган 256-мактабда бўлганмизда, махсус хона фақат кўргазмали плакат- лардан иборатлигини кўр- дик. Амалий ва жонли дарс- лар ўтиш учун эса шароит етарли эмас.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил апрелда қабул қи- лingan 212-сонли қарорига асосан, умумтаълим мактаб- ларида йўл-ҳаракати қоида- ларини ўргатишга мўлжал- ланган махсус хоналардан ташқари, амалий дарслар учун майдончалар ташкил этилиши ва унга Ички ишлар ҳамада Мактабгача ва мак- таб таълими вазирликлари масъул этиб белгиланган.

Аммо орадан шунча вақт ўтганига қарамасдан, ўқув- чиларга йўл ҳаракати қоида- ларини ўргатиш қониқарсиз аҳволда. Ички ишлар ходим- лари ҳар доим ҳам ўзларига бириктирилган мактабларга бориб, амалий дарслар ўтишмаяпти. Дарсликларга ҳам аниқ мавзулар кири- тилмаган. Уни фақат бош- қа мавзуларни ўтаётганда боғлаб ўтиш мумкин. Оқи- батда дарсдан қайтаётганда, репетиторга бораётганда, кўчага, дўконга чиққанида қанчадан-қанча болалар йўл транспорт ҳодисаларига ду- чор бўлмоқда. Чунки улар хавфни ҳис қилишмаяпти.

Тўғри, бунда, энг ав- вало, қоидабузар ҳайдовчи- ларнинг айби қатта, аммо хавфни ҳис қилиш хусуси- яти шакллантирилмаёт- гани, йўл ҳаракатининг асо- сан оғзаки тушунтирилиши, амалиётдан узилиб қолган дарслар туфайли автобусдан қочиш йўлини кесиб ўтиш, пиёдалар йўлагидан юриш ёки катталар назоратсиз ҳаракат қилиш чоғида баъ- зан кўнгилсиз ҳодисалар ку- затилмоқда.

**СТАТИСТИКА**

2024 йилда Ўзбекистонда 2199 нафар одам ЙТҲда вафот этган бўлиб, уларнинг 281 на- фарини болалар ташкил эт- ган. 2025 йилда қайд этилган 2188 та ўлим ҳолатининг 245 таси болаларга «тегишли».

Шунинг учун бу масалага фақат ҳайдовчиларнинг масъулияти сифатида қа- раш етарли эмас. Аввало, болаларни хавфсиз ҳа- ракат қилишга ўрга- тиш керак.

**ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ**

Германия бу борада энг илғор давлатлардан бири ҳисобланади. Унда яшаёт- ган юртошимиз Маърифат Нурнинг айтишича, илк би- лимлар боғчада содда, би- роқ амалий ўтилади. Мак- табда эса йўл ҳаракати тар- бияси биринчи синфдан бошланади. Болалар махсус машғулот майдончаларида велосипед ҳайдаш, пиёда ҳа- ракатланиш ва хавфли вази- рларни аниқлашни амалда ўрганади. Бу жараёнда мак- таб, полиция ва ота-она- лар ҳамкорликда иштирок этади. Германияда ҳатто мактабда йўл ҳаракати бўйича махсус машқлар ва велосипед имтиҳонлари ўт- казилади.

Болалар учун ташкил эти- ладиган дарслар жуда таъ- сирчан бўлиб, полиция хо- димлари махсус маникен- лар ёки сахналаштирилган вазиятлар орқали машина зарбаси қандай оқибатларга олиб келишини кўрсатиб беришади. Натижада ўқув- чилар хавфни ўз кўзи билан кўриб, қоидаларини китобдан ўқиганидан кўра яхшироқ эслаб қоладилар.

– Бир сафар мен ҳам мак- табдаги махсус майдончада бўлиб ўтган тадбирда қат- нашдим, – дейди Маърифат Нур. – Полициячи амаки бурнининг устидан ясама узун бурун тақиб олди. Йўл четида белгиланган жойда турмасдан ичкарироқ тур- гани учун юриб келаётган машина унинг бурнини уриб кетди ва у ерга думалади. Шунда полициячи «Ана, кўрдингизми, белгиланган жойда турмаганим, шошиб ўтмоқчи бўлганим учун ма- шина бурнимга зарар ет- казди. Бошқа сафар қўлим ёки оёғим шикастланиши мумкин. Ҳатто, вафот эти- шим ҳам ҳеч гап эмас», дея тушунтирди. Йўлда учрай- диган кўринмас хавфларга кичик электромобилча- лар ёрдамида кўрсатиб бе- ришди.

**Япония.** Ўзбекистонда кўнгилли волонтер бўлиб ишлаган педагог-психолог Сатоко Огава Япония тажри- баси ҳақида гапирар экан, болаларга фақат қоидалар эмас, хавфни олдиндан се- зиниш ва баҳолаш қўникмаси ўргатилишини айтди:

– Дарслар алоҳида тарзда ҳам, жисмоний тарбия, синф соатлари ва махсус машғу- лотлар билан бирлаштирил- ган тарзда ҳам бўлиб ўтади. Мактаб – полиция – оила- лар ҳамкорлигида махсус се- минарлар ташкил этилади. Унда амалиёт майдончала-

рида йўл-транспорт ҳодиса- лари сахналаштирилади. Бо- лалар хавфли ҳаракатнинг оқибатини ўз кўзи билан кўради. Бундай амалиёт бо- лаларда хавфсизлик мадани- ятини шакллантиради.

**ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМИ ҚАЧОН ДАРСГА КИРГАН?**

Ўқувчилар билан му- лоқотда уларга шу савол би- лан ҳам юзландик. Афсуски, жавоблар қониқарсиз бўлди. Кимдир «Ҳа, кирган қайси бир йили, аниқ эсимда йўқ» деган бўлса, айримлари «Йўқ, бизда бундай дарс бўлмаган» деди, айримлар эса жорий ўқув йи- лида бир марта шундай уч- рашув бўлганини эслашди. Энди ўзингиз айтинг, йўл- ларда нобуд бўлган болалар агар тириклигида йўл ҳара- катига оид амалий дарсларда қатнашганида, уларга маъ- димлари махсус маникен- лар ёки сахналаштирилган вазиятлар орқали машина зарбаси қандай оқибатларга олиб келишини кўрсатиб беришади. Натижада ўқув- чилар хавфни ўз кўзи билан кўриб, қоидаларини китобдан ўқиганидан кўра яхшироқ эслаб қоладилар.

Мутахассислар болалар- нинг йўлдаги хавфни тў- лиқ англаш қобилияти 12- 14 ёшларда шаклланишини таъкидлайди. Шу сабабли уларни эрта ёшдан тайёрлаш муҳим. Болалар учун хавф- сиз йўл муҳитини яратиш фақат йўл белгиларини ёд- латиш билан чекланмаслиги керак. Қолаверса, «TikTok», «YouTube» ва видеоўйин- лар даврида болага йўл-ха- ракати қоидаларини фақат оғзаки тушунтириш етарли эмас. Улар пиёдалар йўлак- касидан ўтишни амалда ба- жарishi, ҳайдовчиларнинг кўриш бурчага, тормоз ма- софаси ва юқори тезлиқнинг хавфини ҳис қилишга ўр- гатилиши лозим. Чорраҳа- лардаги йўл ҳаракати наза- риясида «қармоқ» деб ном- ланувчи хавфли ҳолатлар қайси пайтда юз бериши, қа- чон бола унинг домига ту- шиб қолиши мумкинлиги кўрсатиб берилмас экан, ку- руқ назариялар бутун самара бермайди.

Ички ишлар ҳамада Мак- табгача ва мактаб таълими вазирликлари ўзаро ҳам- корликда дарсликларга бун- дай мавзуларни киритиши, уларни плакатлар орқали- гина эмас, балки амалий ва жонли дарсларда ҳам ўр- гатиш чора-тадбирларини кўриши зарур.

Зебо НАМОЗОВА  
«ISHONCH»



**АҚШ, Канада ва Мексика мезбонлик қилаётган футбол бўйича жаҳон чемпионатида гуруҳ босқич ўйинлари бошланиб кетди. Мексикадаги «Ацтека» ўйингоҳида бўлиб ўтган тантанали очилиш маросимида майдонга Ўзбекистон байроғи олиб чиқилганда юртимиздаги ва терма жамоамизни қўллаб-қувватлаётган қардош эллардаги мухлисларнинг қалби қувонч ва ғурурга тўлгани ҳам бор гап. Мундиалда ким чемпион бўлиши бора-расидаги тахминлар, турнирга тайёргарлик, унинг атрофида бўлаётган фикрлар, баҳс-мунозаралар ҳам тобора қизимиқда. Бугун ҳам улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.**

#### ЎЗБЕКИСТОНГА ҚИЗИҚИШ КАТТА

Франция оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон терма жамоасининг жаҳон биринчилигидаги дебютини қизиқиш билан кузатмоқда ва ёритмоқда. Жумладан, «France 24» нашри Ўзбекистон учун мундиалга йўлланма нафақат спорт ютуғи, балки бутун мамлакат халқи кўп йиллар кутган, жаҳон саҳнасида давлатнинг обрўсини оширишга ҳам хизмат қиладиган воқеа бўлганини қайд этган. Муаллифларнинг ёзишича, бундай натижага Ўзбекистонда 2018 йилдан буён футболни ривожлантириш борасида олиб борилган изчил сиёсат самараси ўлароқ эришилган.

«RMC Sport» терма жамоамиз ҳимоячиси Абдуқодир Хусанов ҳамда ҳужумчимиз Элдор Шомуродовга алоҳида эътибор қаратган.

«Le Figaro» нашри Нидерландияга қарши ўртоқлик ўйинини таҳлил қилар экан, Европанинг етакчи жамоаларидан бири ғалаба қозониш учун

яхшигина тер тўкишига тўғри келганини ёзади.

Умуман олганда, француз нашрлари «Оқ бўйлар»ни европалик мухлисларга у қадар таниш бўлмаган, мундиалда «қутилмаган совғалар» тақдим этиши эҳтимоли бор жамоа сифатида кўришмоқда.

#### СУПЕРКОМПЬЮТЕР ТАХМИН ҚИЛАДИ

Орта суперкомпьютери терма жамоаларнинг жаҳон чемпионатида ғалаба қозониши имкониятлари баҳоланган тахминни тақдим этди. Унга кўра, Испания терма жамоаси жаҳон чемпиони бўлиш эҳтимоли энг юқори, яъни 16% га тенг. Иккинчи ўриндан Франция (12,9 фоиз), учинчи ўриндан Англия (10,8 фоиз) жой олган.

#### АТЛАНТАДА МАШҒУЛОТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон терма жамоаси АҚШнинг Атланта шаҳридаги ўзига ажратилган «Атланта Юнайтед» клуби базасида чемпионатга тайёргарлигини давом эттирмоқда.

Футболчиларимиз илк учрашувни 17 июнь куни (Тошкент вақти билан

18 июнь соат 07:00 да) Колумбия терма жамоасига қарши ўтказлади.

#### ФИНАЛ ЧИПТАЛАРИ НАРХИ МАЪЛУМ

Жаҳон чемпионати финал учрашуви чипталари 4000 доллардан 8600 долларгача бўлган нархда сотилмоқда. Бу ҳақда «EuroFoot» ўзининг Х ижтимоий тармоғидаги саҳифасида «Financial Times» интернет нашри маълумотларига таяниб хабар берди.

Эслатиб ўтаамиз, ЖЧ-2026 финали 19 июль куни АҚШдаги «MetLife Stadium»да бўлиб ўтади.

#### ҲАММА ГАП ПУЛДА

Жаҳон чемпионатида иштирок этаётган терма жамоаларга FIFA томонидан қанчадан пул ажратилиши маълум қилинди.

Тўртинчи ўринни эгаллаган терма жамоа 27 млн., учинчи ўрин соҳиби 29 млн., қумуш медал эгаси 33 млн., жаҳон чемпиони бўлган жамоа эса 50 млн. доллар мукофот пули олади.

Бундан ташқари, барча 48 та қатнашчи жамоага 9 млн. доллардан мукофот пули ва 1,5 млн. доллардан мусобақага тайёргарлик харажатларини қоплаш учун маблағ тўлаб берилди.

#### ҚИСКА САТРАЛДАР

– Жаҳон чемпионатлари тарихида илк маротаба очилиш ўйинида мезбон жамоа 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

– Терма жамоамиз футболчилари жаҳон чемпионатида татбиқ этиладиган 3D технологияси, гол нишонлаш видео тасвири ва расмий фотосессияда қатнашди.

– Германия терма жамоаси ва «Бавария» клубининг собиқ футболчиси Лотар Маттеус немис футболчиларининг финалгача етиб боришига ишонмаслигини айтди.

– FIFA жаҳон чемпионати якунида топширилдидаган яккалик мукофотлар – «Олтин тўп», «Олтин бутса» ва «Олтин кўлқоп» совринларини намойиш этди.

– Жаҳон чемпионатлари тарихида биринчи марта очилиш ўйинида учта қизил карточка кўрсатилди.

– Чехия терма жамоаси устози Мирослав Коубек (74 ёшда) жаҳон чемпионатлари тарихидаги энг кекса бош мураббий сифатида рекорд ўрнатди.

**Дармон ИБРОҲИМОВ**  
«ISHONCH»

**ЖЧ-2026**



## АРЗОН НАРХ ОРТИДАГИ ХАВФ



Бугун кўчаларда турли овқатланиш шохобчалари тобора кўпайиб бормоқда. Шунга яраша танлов ҳам кенгайиб қолди. Айниқса, тез ва арзон таомлар аҳоли орасида талабгир. Бироқ бу маҳсулотларнинг аксарияти очик ҳолда сотилиши, ҳашаротлар таъсирида қолиши ва санитария талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги кишини ҳавотирга солади. Шунга қарамай, ишга шошаётган ёки маблағини тежашни истаган харидорлар учун бундай таомлар қулай бўлиб қолмоқда.

Жазирама ёз кунларида мазкур масала янада долзарб аҳамият касб этади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ширинликлар, айниқса, гўшти маҳсулотлар иссиқ ҳавода тез бузилади. Бу маҳсулотлар 0°C дан +4°C гача бўлган ҳароратда 1-3 кун давомида сифатини сақлаши мумкин, бироқ хаво ҳарорати +20°C дан ошганда бактериялар кўпайиши авж олади.

Қийматли ва пиширилган гўшт маҳсулотлари +30-35°C ҳароратда советкичсиз сақланганда, атиги 1-2 соат ичида бактериялар ривожланиши учун қулай шароит юзага келади. Бу эса истеъмолчилар са-

ломатлигига жиддий хавф туғдиради.

Бугунги кунда 1 килограмм мол гўштининг нархи ўртacha 110-170 минг сўм атрофида. Шу билан бирга, бозорлар ва кўчаларда 10-15 минг сўмдан сотилаётган нонкабобларни ҳам учратиш мумкин. Гўшт нархи юқори бўлган бир пайтда бундай арзон маҳсулотлар харидорда табиий равишда шубҳа уйғотади. Кичик тадбиркорлар қандай маҳсулотдан фойдаланишади? Уларнинг яроқлилик мuddати қандай? Санитария талабларига қай даражада риоя қилинади? Бу саволлар очиклигича қолмоқда.

Тошкент шаҳридаги айрим бозорларда бўлиб,

#### Мулоҳаза

сотилаётган маҳсулотлар билан танишимиз. Менга бу овқатларнинг очик ҳолда сақланганлиги, пиёз ва бошқа қўшимчаларнинг ташқи кўриниши ғалати туялди.

Кузатув давомида араваларда турли ширинликлар сотиб юрган ёши улуг аёлларга ҳам кўзим тушди. Ташқи кўринишидан иштакчаочар бўлган бу маҳсулотлар чангли муҳитда очик ҳолда сотилмоқда, уларнинг атрофида эса ари ва пашшалар кўп.

**Шу ўринда бир савол туғилади:** нега харидорлар сифат ва тозалик бўйича ҳавотир туғдирадиган маҳсулотларни харид қилишда давом этишмоқда?

– Кўпинча бозорга кийим-кечак харид қилиш учун келганимизда пулни тежаш мақсадида арзон ва енгил таомлар тановул қилияммиз. Маҳсулотнинг таъмида ёки сифатида жиддий ўзгариш сезмаймиз, – дейди харидорлардан бири. – Баъзан сотувчидан янги маҳсулот беришини сўраймиз. Айримлари беради, айримлари эса йўқ.

Бозор иқтисодиёти талаб ва таклиф асосида шаклланади. Бироқ инсон саломатлиги ҳар қандай иқтисодий манфаатдан устун туриши лозим. Афсуски, айрим истеъмолчилар ўз соғлигига етарлича эътибор қаратишмайди, баъзи тадбиркорлар эса дарамадни хавфсизликдан устун қўяётгандек таассурот уйғотади.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг «Озик-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунининг 9-моддасига мувофиқ, озик-овқат маҳсулотлари инсон ҳаёти ва соғлиги учун хавфсиз бўлиши шарт. Шунингдек, мазкур қонуннинг 10-моддасида озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва сотиш жараёнида санитария-гигиена ҳамда хавфсизлик талабларига қатъий риоя этилиши белгиланган.

Бундан ташқари, «Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги тўғрисида»ги қонуннинг 14-ва 20-моддаларида озик-овқат маҳсулотларини ташқи ифлослини, ҳашаротлар ва бошқа зарарли омиллардан ҳимояланган ҳолда сақлаш талаби мустақамланган.

Демак, кўча таомлари арзонлиги билан жозибадор бўлиши мумкин, аммо уларнинг хавфсизлиги ҳам истеъмолчи, ҳам сотувчи учун биринчи ўринда туриши керак.

**Ҳулкар ЭСЕНБЕКОВА,**  
ЎзДЖТУ талабаси

#### Мушоҳада

## «ТЕКИН БЎЛСА, ОЛИШ КЕРАК»

ёхуд одатий ҳолга айланиб қолаётган оломонча тушунча

Сўнгги пайтларда бепул совғалар ва текин маҳсулотлар тарқатиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Бу яхши, аммо бундай акцияларда фақат эҳтиёжмандлар эмас, балки ўз турмушини бемалол татминлай оладиган, меҳнатга лаёқатли ва дарамади етарли инсонлар ҳам «иштирок этмоқда». Гўёки жамиятда «текин бўлса, олиш керак», деган тушунча одатий ҳолга айланиб бораётгандек.

Ижтимоий тармоқларда тарқалаётган видеоларда бепул бериладиган маҳсулотлар учун юзлаб одамлар узундан-узун навбатларда тургани, айрим ҳолларда улар ўртасида тортишувлар, турли тартибсизликлар рўй бераётгани каби кўзга ҳунук кўринадиган ачинарли манзаралар акс этмоқда.

Яқинда бозорлардан бирида сотувчи реклама мақсадида турли маҳсулотларни бепул тарқатганида, одамлар орқа-олдига қарамай, совға томон югуришди. Оқибатда кимдир маҳсулотни қўлга киритган бўлса, кимдир оломон орасида йиқилиб, ноқулай аҳволга тушиб қолди.

Қиймати унчалик катта бўлмаган текин совға инсон саломатлиги ва хавфсизлигидан устун қўйилгани ҳайратланарли, албатта.

Бундан бир неча йил бұрун Наманган вилоятидаги дўконлардан бирида текин кийим тарқатиш акцияси ташкил

этилганда ҳам шунга ўхшаш ҳолат кузатилган. Одамлар бир нечта кийим олиш илнжидида бир-бирини туртиб, маҳсулотлар томон талпинганди. Бу эса омма орасида «Текин тешиб чиқмайди», деган тушунча кучайиб бораётганини аниқларди.

Бошқа бир ҳолатда эса тадбиркор реклама мақсадида пайпоқ ва айрим кийим-кечаларни бепул тарқатди. Натижада юзлаб кишилар текин маҳсулотга эга бўлиш илнжидида бир жойга йиғилди. Видеолардан уларнинг баъзилари оёқостига йиқилиб қолгани маълум бўлди. Бундан кўринадиги, одамларга маҳсулотнинг қиймати эмас, бепул экани қизиқ.

Афсуски, бундай ҳолатлар фақат бозорлар ёки савдо акцияларида эмас, турли оммавий тадбирларда ҳам содир бўлмоқда. Масалан, Тошкент шаҳрида ўтказилган фестиваллардан бирида катта қозонда ош дамланиб, қатнашчиларга тарқатилган. Шунингдек, тадбир доирасида қовун-тарвуз, миллий таомлар ва бошқа маҳсулотлар кўргазмаси ҳам ташкил қилинганди. Би-

роқ айрим қатнашчилар кўргазма маданиятига риоя қилиш ўрнига, текин тарқатиладиган ош ва таомлар атрофида тўпланиб, уларни биринчи бўлиб олишга уринганлари кузатилди.

Бу миқсоллар одамларда текин нарсани қўлдан чиқармаслик истаги кучайиб бораётганини кўрсатмоқда. Агар жамиятда текин нарсаси ҳар қандай ҳолатда ҳам олиниши шарт деган қараш шаклланса, бу нафақат моддий, балки маданий-маънавий муаммага ҳам айланиши эҳтимолдан холи эмас.

Инсоннинг ҳақиқий қиёфаси кундалик ва оддий вазиятларда ҳам намойён бўлади. Шу боис инсон бепул тарқатилаётган ҳар қандай маҳсулот ортиндан оломонга қўшилишдан кўра, ўз қадрини билгани афзал.

Бир сўз билан айтганда, қиймати арзimas текин совға ортдан югуриш инсонга на обрў, на манфаат келтиради. Ҳар қандай маҳсулотдан ҳам қимматроқ нарсасида инсоннинг қадри, вақти ва шаънидир!

**Жамшид ЭРҒАШЕВ**  
«ISHONCH»

**Мароқли дам олинг, азиз газетхон!**

Алижон Эшонқулов ижросида

**«Ўртоқларинг айтганда ёр-ёр»**  
қўшиғи

Ўртоқларинг айтганда ёр-ёр,  
Дунё сенга ҳеч бўлмасин тор.  
Сўзларимга бўлгин вафодор,  
Ўшал кунни бир бор эслагин,  
Эслаганда фарёд этмагин.



#### MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

**Qudratilla RAFIQOV**  
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDIOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir  
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyot nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

#### Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-82-89  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43  
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

#### Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20  
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31  
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12  
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27  
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66  
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70  
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44  
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

#### Navbatchi muharrir:

Alljon ABDURAHMONOV

#### Mudabbihi:

Umida XUDAYBERGANOVA

#### Sahifalovchi:

Hasan ABDUJALILOV

Boshiga topshirish vaqti – 22:10

Topshirildi – 22:40

#### Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

#### Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

#### Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

#### Umumiy adadi 35 220 ta

Shundan: 6 555 nusxasi  
«Sharq» nashriyoti-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –  
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

#### 19 464 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –  
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

#### 9 201 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –  
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma: G-611

1 2 3 4 5 6